

КОМИЛ СИНДАРОВ

ОҚҚАН ДАРЁ
ОҚАР ЭКАН

Шеърлар

Тошкент
“Янги аср авлоди”
2007

Қўлингиздаги ушбу китобда шоирнинг ҳаёт ташвишлари, қувончларидан ва чексиз ҳаяжони акс этган қайноқ сатрлардан ташкил топган шеърлари мужассам. Мушоҳадалар ҳамда кечинмаларнинг рангин ва самимийлиги сиз, азиз китобхонни шеърятнинг сирли олами сари чорлайди.

Умид қиламизки, бу мўъжаз тўплам мутолааси кўнглингизга поклик ва ёруғлик олиб киради.

ISBN 978-9943-08-228-1

© Комил Синдаров, “Оққан дарё оқар экан”. “Янги аср авлоди”, 2007 йил

СОФИНАМАН, ОНА ЮРТ

Залворли тоғларингни,
Жаннатдек боғларингни,
Навбаҳор чоғларингни
Соғинаман, она юрт.

Кўркам қишлоқларингни,
Зилол булоқларингни,
Яқин – йироқларингни
Соғинаман, она юрт.

Умидли тонгларингни,
Жилоли рангларингни,
Ҳаттоки, чангларингни
Соғинаман, она юрт.

Шаҳарлар тароватин,
Минорлар салобатин,
Чинорлар маҳоватин
Соғинаман, она юрт.

Тупроғинг анборини,
Чўққиларнинг қорини,
Чаманлар ифорини
Соғинаман, она юрт.

Мусаффо осмонингни,
Ям-яшил бўстонингни,
Довруғу достонингни
Соғинаман, она юрт.

Жамолинг кунда кўриб,
Бағрингда яйраб юриб,
Васлингга тўйиб туриб,
Соғинаман, она юрт.

ЎЗБЕКИСТОН ПОЛВОНЛАРИ

Оққан дарё оқар экан,
Мардга омад боқар экан,
Сизга ютуқ ёқар экан,
Ўзбекистон полвонлари.

Кучга тўла билаклари,
Сутдек оппоқ юраклари,
Ерга тегмас кураклари –
Ўзбекистон полвонлари.

Отлар ҳурқар савлатидан,
Қоплан қочар келбатидан,
Фахри бордир давлатидан –
Ўзбекистон полвонлари.

Тождор бўлди Рустамлари,
Донгдор бўлди Русланлари.
Она юртнинг арслонлари –
Ўзбекистон полвонлари.

Алпомишлар руҳи қўллар,
Ғалабалар сари йўллар.
Равон бўлар ўнгу сўллар
Ўзбекистон полвонлари.

Ғалабалар Сизни кутар,
Номард мағлуб, мардлар ютар,
Комил Сизга гуллар тутар,
Ўзбекистон полвонлари.

ГЎЗАЛ САМАРҚАНД

*Кўҳна ва навқирон Самарқанд
шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига*

Мозийдан таралар ёқимли бир сас:
«Самарқанд сайқали рўйи замин аст».
Ҳеч гўша келолмас асло унга бас,
Довруғи достоним гўзал Самарқанд.

Кўркингга кўрк қўшар кўҳна минорлар,
Ўтмишдан сўйлайди азим чинорлар.
Қишда ҳам аримас олма, анорлар,
Азалий бўстоним гўзал Самарқанд.

Тўрт ёнда ястанар сахий боғларинг,
Бошингни силайди боқий тоғларинг,
Сира тугамайди баҳор чоғларинг,
Жаннати маконим гўзал Самарқанд.

Бунда Темур бобом руҳи кезмоқда,
Навоий Озодлик мадҳин ёзмоқда,
Улуғбек юлдузлар тархин тузмоқда,
Мусаффо осмоним гўзал Самарқанд.

Бухорий, Мотрудий улғайган бешик,
Билим қўрғонига бўлолдинг эшик.

Мағзинг тўқ, бунчалар зуваланг пишиқ,
Зиёга ошёним гўзал Самарқанд.

Қучоғингда камол топган валийлар,
Қанча доно, қанча зоти олийлар,
Иқболингни тилар, баланд толелар,
Муборак масканим гўзал Самарқанд.

Довруғинг ёйилсин тилдан тилларга,
Жамолинг жилоси кўчсин дилларга,
Дўстларинг тўлдирсин бағринг гулларга,
Яшнаган чаманим гўзал Самарқанд.

БАЛКИ АДАШГАНСАН...

(Ҳиндистондаги дунёнинг етти мўъзижасидан бири саналмиш «Тоғж Маҳал» ёдгорлигида бўлган сайёҳлар инглиз, француз, немис, рус ва бошқа тилларда кўп минг нусхада Деҳлидаги «Миттал» наشريётида чоп этилган «Дели, Агра и Джайпур. Золотой треугольник» номли рисола ни сотиб олиш мумкин. Раджар Панда томонидан тайёрланган мазкур рисолада дунёга машҳур давлат арбоби ва маърифатпарвар шоир Бобур афғонистонлик эканлиги, унинг Чингизхон авлодига мансублиги таъкидланган. Энг ачинарлиси, рисолада Турон Замин, Туркистон, Ўзбекистон, Андижон атамалари бирор марта ҳам тилга олинмаган...)

Балки адашгансан, балки атайин,
Ўтмишни бунчалар қилмасанг ўйин,
Наҳот ҳақиқатдан товлайсан бўйин,
Бобурни беватан дема-да, дўстим,
Бекорнинг бештасин ема-да, дўстим.

Отаси аён-ку, онаси аниқ,
Насли-насаби соф, ўтмиши тиниқ,
Авлоди бардавом, чироғи ёниқ,
Бобурни беватан дема-да, дўстим,
Бунчалар бефаҳм бўлма-да, дўстим.

Бировнинг номини сотмаган элман,
Бировдан садақа кутмаган элман,
Асло ҳаром луқма ютмаган элман,
Бобурни беватан дема-да, дўстим,
Мудом оғзингга муз солма-да, дўстим.

«Бобурнома» тирик эмасми гувоҳ,
«Тоғ Маҳал» ўтмишдан этмасми огоҳ,
Сен бир муғамбирсан ёки бир гумроҳ,
Бобурни беватан дема-да, дўстим,
Бўхтонларинг сири нима-да, дўстим.

Оқни қора қилиш кимга ҳам керак,
Кўрга қоронғуда наҳот шам керак.
Сенга ачинаман, куюди юрак,
Бобурни беватан дема-да, дўстим,
Не маъно топай бу таъма-да, дўстим.

Тарих ёзилмайди таваккал қилиб,
Қопиб сўзласангда, сўзлагин билиб,
Не топдинг ўзганинг бағрини тилиб,
Бобурни беватан дема-да, дўстим,
Бу гал адашибсан чамамда, дўстим.

Эзгу ишларни ҳам тилга олгансан,
Ҳар на юракларга ғурур солгансан,
Нозик жойда аҳмоқ бўлиб қолгансан,
Бобурни беватан дема-да, дўстим,
Бир боғдан, бир тоғдан келма-да, дўстим.

Наҳотки билмасанг Ўзбекистонни,
Бобонгдан сўраб кўр Буюк Туронни,
Нечун зорлангирдинг жон Андижонни,
Бобурни беватан дема-да, дўстим,
Ё бир сир борми бу шаъма-да, дўстим.

Билиб билмасдан-ку сўзламоқ гуноҳ,
Ёлфонлар ортидан излама паноҳ,
Вале, қилмишингни кечирмас Аллоҳ,
Бобурни беватан дема-да, дўстим,
Елкангга оғир юк олма-да, дўстим.

Сен ҳам хом сут эмган бир ожиз банда,
Буюклик даъвосин қилмайсан канда,
Ўзгани кўрмайсан ё одам сонда,
Бобурни беватан дема-да, дўстим,
Ҳаргиз аросатда қолма-да, дўстим.

МУАЛЛИМ

Отадек заҳматкаш, отадек буюк,
Онадек меҳрибон, онадек суюк.
Ким бор ундан ортиқ ҳурматга лойиқ,
Дунёда тенги йўқ табаррук инсон –
Устоз муаллимдир, устоз-муаллим.

Қалбин қўри билан кўзимиз очган,
Йўлимизга умид уруғин сочган,
Қайноқ қучоғида мингларни қучган,
Номи дилдан кўчмас, тилларда достон,
Устоз муаллимдир, устоз-муаллим.

Субҳидам тонгидек юраги тоза,
Зам-зам булоғидек тилаги тоза,
Томирда қони соф, суяги тоза,
Кўклам булутидан олган андоза,
Қўш каби безавол, лек кўкси осмон,
Устоз муаллимдир, устоз-муаллим.

Қанча буюкларга муқаддас бешик,
Саодат уйига элтувчи эшик.
Сен ўша, дилларга жо бўлган қўшиқ,
Заковат зиёси ёритган бўстон,
Устоз муаллимдир, устоз-муаллим.

Ҳазрат Навоийни қўлидан тутган,
Улуғбек нигоҳин юлдузга отган,
Ҳақ йўлида қанча заҳматлар ютган,
Маърифат томига қўйилган нарвон –
Устоз муаллимдир, устоз-муаллим.

Гўдакни ардоқлаб, Нақшбанд этган,
Қанча Бухорийни элга танитган,
Довруғи жумлаи жаҳонни тутган,
Энг катта бойлиги – покиза иймон,
Устоз муаллимдир, устоз-муаллим.

Шогирдлари эрур топган давлати,
Ютуғидан ортар белда қуввати,
Ҳаммага баробар, баланд ҳиммати,
Саховат мулкига камтарин султон,
Устоз муаллимдир, устоз-муаллим.

Боладан аямас ҳатто жонини,
Бесамар ўтказмас бирор онини,
Ҳалолдан топади бурда нонини,
Миллат ардоқлаган ўша шараф-шон,
Устоз муаллимдир, устоз-муаллим.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq
versiyasi

<https://kitobxon.com/oz/asar/1926>
saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг
тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1926>
сайтида.

Это был ознакомительный отрывок.
Полную версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1926>